

## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Алимов Баходир Батирович, Ph.D

Доцент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг “Бизнесни бошқариш (МВА)” кафедраси

### ARTICLE INFO.

**Калит сўз:** лойиҳа, инвестицион лойиҳалар, яшил, яшил иқтисодиёт, яшил инвестиция, яшил макон.

### Аннотация

Ушбу илмий мақолада “инвестиция лойиҳалари”, “яшил иқтисодиёт” атамасига жаҳон ва мамлакатимиз олимлари томонидан таърифлар келтирилган. Тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда инвестицион лойиҳалар ҳамда “Яшил иқтисодиёт” йўналишидаги лойиҳаларнинг ўрни кўрсатилган. Шу билан бирга “Яшил иқтисодиёт” йўналишидаги чет эл инвесторлар томонидан жалб қилинган инвестицион лойиҳаларнинг ҳолати тўлиқ келтирилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

### КИРИШ

2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури қуйидагиларни ўз ичига олади: 928,7 трлн сўм миқдоридаги марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар, жумладан 37,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2021-2023 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек 2021-2023 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогноз параметрлари; 226 та янги ишлаб чиқариш қуввати ва 34 мингдан зиёд иш ўрни яратилишини назарда тутувчи 2021 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш бўйича манзилли дастур<sup>1</sup>.

Республика иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жуда зарур мақсадлардан биридир<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4937-сонли Қарори

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сонли Қарори

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазибаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодийнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори<sup>3</sup> имзоланди.

Ушбу стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш дастурининг биринчи иловасига мувофиқ: иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш; қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоиздан кўпроғига етказиш; саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш; ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш; иқтисодийнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш; йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиарддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш; республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш; ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш мақсад қилиб олинган.

## АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Инвестиция лойиҳаси икки хил мазмунда талқин қилинади: муайян мақсадларга эришишни таъминловчи қандайдир фаолиятлар йиғиндисини амалга оширишни назарда тутувчи иш, фаолият, тадбир сифатида тушунилади. Бундай ҳолларда “хўжалик тадбири”, “иш”, “лойиҳа” терминлари ушбу тушунчаларга мазмунан яқин келади; қандайдир фаолиятларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-бошқарув ва молиявий-ҳисоб ҳужжатлари тизими ёки бундай фаолиятлар тизимини баён этувчи ҳужжатлар тўплами сифатида қаралади.

Лойиҳавий бошқарув – қўйилган мақсадга эришиш учун ҳаракатларнинг комплекс тизимли моделини дастлабки коллегиал ишлаб чиқишга асосланган ва ушбу моделни амалга оширишга қаратилган бошқарув фаолиятининг махсус туридир. Замонавий лойиҳавий бошқарув - фақатгина лойиҳа хусусиятларига эга бўлган объектларни эмас, балки ҳар қандай объектларни бошқаришда у ёки бу тарзда қўлланилиши мумкин бўлган бошқарувнинг ўзига хос кўринишидир. Буни замонавий менежментнинг турли соҳаларида ундае амалий фойдаланиш натижалари тасдиқлайди<sup>4</sup>.

Инвестиция лойиҳаси (лойиҳа)<sup>5</sup> - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори

<sup>4</sup> Чурилов А. А. Понятие, роль и актуальность проектного управления в России // Молодой ученый. - 2013. - №3. - С. 299-301.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида” Қарори

ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва Тараққиёт Конференциясида: “Яшил иқтисодиёт” - бу қисқа муддатда узоқ муддатли ижтимоий манфаатларга интиладиган ва келажак авлодларни жиддий экологик хавфлар ва экологик дефицитларга дучор қилмасдан, инсон фаровонлигини яхшилаш ва тенгсизликларни камайтиришга олиб келадиган иқтисодиётдир<sup>6</sup>.

Яшил иқтисодиёт коалициясида: “Яшил иқтисодиёт” - бу экологик чекловлар доирасида ҳамма учун яхшироқ ҳаёт сифатини таъминлайдиган барқарор иқтисодиётдир<sup>7</sup>.

Халқаро савдо палатасида: “Яшил иқтисодиёт” - бу иқтисодий ўсиш ва экологик масъулият тараққиёт ва ижтимоий ривожланишни қўллаб-қувватлаган ҳолда бир-бирини ўзаро мустаҳкамлайдиган иқтисодиётдир<sup>8</sup>.

Инсониятнинг бугунги турмуш тарзи, эришаётган ютуқлари минг йиллар давомида тўпланган ҳаётини тажриба натижасидир. Ақл ва меҳнат туфайли инсон буюк кашфиётлар қилди ва уларни кенг қўллаган ҳолда катта тараққиётга эришди. Бунга транспорт, самолётлар, кемалар, илғор технологиялар, алоқа воситалари, замонавий компьютерлар ёрқин мисол бўла олади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, “ERGO Analytics” тадқиқот компанияси раҳбари Рауф Салоҳўжаев фикрига кўра “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш Ўзбекистонга кўплаб бонуслар олиб келади. Шу боис мен соҳадаги ислохотларни бошлаб берган 2019 йилги Стратегияни ўз вақтида қабул қилинган жуда тўғри қарор, деб ҳисоблайман. Ҳукумат пандемиядан олдинги макроиқтисодий кўрсаткичларни тиклаш ҳамда келгуси йилларда янада юқори ўсиш суръатларига эришишни мақсад қилган. Ўз навбатида, мамлакатда аҳоли сони ва даромадлари кўпаймоқда. Бундай шароитда, турган гапки, энергетика ресурсларига бўлган талаб ҳам ортади. “Яшил иқтисодиёт”нинг муҳим компоненти қайта тикланадиган энергия манбаларини яратиш ва фойдаланиш ҳисобланади. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг салоҳияти анча юқори. Халқаро молиявий институтларнинг ҳисоб-китобига қараганда, республикада муқобил энергия (айниқса, қуёш энергияси)нинг йиллик захираси 270 миллион тонна шартли ёқилғи эквивалентига тенг. Бу реал эҳтиёжимиздан уч карра кўп. Боз устига, “яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёдга кўпайтириш имконини беради. Бу иқтисодиёт учун мислсиз фойдадир.”<sup>9</sup>

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тақдими билан танишди<sup>10</sup>. Маълумки, ҳозирги замонда энергетика ва экология муаммолари долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда кўплаб қуёш ва шамол электр станциялари қурилмоқда, иқтисодиёт тармоқларида энергия тежамкор технологиялар жорий қилинмоқда. Бу йўналишни изчил давом эттириш мақсадида, Тараққиёт стратегиясини 2022 йилда амалга оширишга оид давлат дастурида саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлик дастурини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Тақдиротда мазкур дастурда кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берилди.

<sup>6</sup> The green economy: trade and sustainable development implication [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http://unctad.org/en/docs/ditcted20102\\_en.pdf](http://unctad.org/en/docs/ditcted20102_en.pdf).

<sup>7</sup> Сайт Коалиции за Зеленую Экономику [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.greenecomomycoalition.org/>.

<sup>8</sup> ICC comments on the UNEP draft Green Economy Report [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://cdn.iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2011/05/ICC-comments-on-the-UNEP-draft-Green-Economy-Report.pdf>.

<sup>9</sup> <https://www.uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/9449/>

<sup>10</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/5749>

Қайд этилганидек, бу ҳужжатда саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича концепция белгиланади. Шу асосида 25 та стратегик аҳамиятга эга корхонада ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланади. Бу орқали 2022-2026 йилларда саноат тармоқларида 3,9 миллиард куб метр табиий газни, 4 миллиард киловатт соат электр энергиясини ва 21 минг тонна нефть маҳсулотларини тежаш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир маҳсулот таннархида энергия улушини 20 фоизга камайтириш мақсад қилинган.

2023 йил 1 июндан бошлаб маҳсулотларнинг экологик тоза энергия ва технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи “яшил сертификатлар” тизими жорий этилади. Шу мақсадда иссиқхона газларининг чиқарилиши босқичма-босқич тартибга солинади. Бунда табиатга зарарни қисқартириш ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Шунингдек, “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилини тўлиқ жорий этиш, бу борадаги моддалар рўйхатини кенгайтириш ва йиғим ставкасини ошириш ҳам тақлиф этилмоқда. “Яшил” иқтисодиёт бўйича илмий тадқиқотларни кўпайтириш, инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини доимий баҳолаб боровчи гуруҳ ҳам шакллантирилади. Унинг таркибига 15 та халқаро ташкилот ва молия институтларининг раҳбарлари киритилади. Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, ҳар бир тармоқ кесимида энергия тежамкорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришда энергия харажати камайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ҳозирги вақтда самарали, ресурс тежовчи ва экологик ҳавфсиз иқтисодиётни ривожлантириш жаҳон ва миллий иқтисодиётларнинг ажралмас қисмига айланмоқда, бу миллий қонун ҳужжатларига янги ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза қилиш стандартлари жорий этилишини рағбатлантиради, “яшил иқтисодиёт” асосида барқарор тараққиётга ўтишга ва сифат жиҳатидан янги рақобатбардош муҳитни шакллантиришга кўмаклашади.

“Яшил иқтисодиёт” - бу эртанги кун иқтисодиёти ва айнан у XXI аср иқтисодий тараққиётининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиши керак. Яшил иқтисодиёт назарияси қуйидаги учта аксиомага асосланади:

- чекланган маконда таъсир соҳасини узлуксиз кенгайтириб бўлмайди;
- ресурслар чекланган шароитда узлуксиз ошиб бораётган эҳтиёжни қондиришни талаб қилиш мумкин эмас;
- Ер юзасида ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ.

Иқтисодий ўсишнинг анъанавий моделидан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш - бу умумжаҳон тренди бўлиб, у нафақат алоҳида миллий иқтисодиётларнинг, балки умуман бутун жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини белгилаб беради, “яшил иқтисодиёт”ни илгари суриш эса тараққиётнинг асосий йўлидир. 2009 йил июнда 34 та мамлакат Яшил иқтисодиёт декларациясини имзолади ва “ҳам инқироздан чиқиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар доирасида, ҳам унинг доирасидан ташқарида яшил ўсиш стратегияларини жорий этиш учун саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашини, “яшил” ва “ўсиш” тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини тан олишини” маълум қилди.

“Яшил” ўсиш иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиришни англатади, бунда табиий активлар сақланади ва ресурслар ва экотизим хизматлари узлуксиз тақдим этилади. Бизнинг фаровонлигимиз уларга боғлиқ. Бунинг учун яшил ўсиш барқарор тараққиётни таъминлайдиган ва янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлишига олиб келадиган инвестициялар ва инновацияларни рағбатлантириши ҳамда улардан кенг фойдаланиши керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (Атроф-муҳит бўйича дастур - United Nations Environmental Programm - UNEP-ЮНЕП; Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссия -

ЭСКАТО ва ҳоказолар), Глобал “яшил” ўсиш институти (Global Green Growth Institute - GGGI) каби халқаро ташкилотлар ва кўплаб бошқа ташкилотлар “Яшил” ўсиш стратегиясини тарғиб қилишда фаол роль ўйнайди.

Бошқача айтганда, халқаро ҳамжамият “яшил иқтисодиёт”га ўтиш йўллари излашга мажбур. Бундай иқтисодиёт ресурс тежовчи ва экологик зарарсиз ишлаб чиқариш таянган ҳолда инсонлар фаровонлигини оширади ва атроф муҳит учун ҳавф-хатарни камайтиради.

Бироқ “яшил иқтисодиёт” самарадорлигини баҳолашда иштирок этувчи ташкилотлар ва идоралар хилма-хиллиги бир қатор тармоқлар ва устуворликларни ўз ичига олувчи “яшил иқтисодиёт” концепциясини ҳам, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси ҳам кенг талқин қилинишига олиб келади.

ЮНЕП (UNEP) “яшил иқтисодиёт”ни шундай иқтисодиёт деб таърифлайдики, унда у узок муддатли истиқболда инсонлар фаровонлигини яхшилайдди, ижтимоий тенгсизликни камайтиради ва бўлғуси авлодлар учун экологик ҳавфлар ҳамда тақчилликни жиддий равишда камайтиради.

“Яшил иқтисодиёт” атроф муҳитни, биохилмахилликни ва экотизим хизматларни сақлаш, “яшил” иш ўринлари ташкил этиш имкониятини ва қашшоқлик муаммоси ҳал этилишини таъминловчи барқарор тараққиёт масалаларини қамраб олади.

“Яшил” иқтисодий ўсишнинг асосий тўсиқлари, технологик тўсиқларнинг мавжудлиги, инновацион имкониятларнинг пастлиги, инновацион маҳсулотларга бўлган талабнинг етишмаслиги, илмий кашфиётларнинг ва умуман экологик йўналтирилган инновациялардан олинган иқтисодий даромадларнинг камлиги бўлиши мумкин.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсиш масалалари бугунги кундаги жаҳон иқтисодиёти кун тартибдаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда ҳам бу борада ривожланиш бўйича халқаро ҳамкор-ташкилотлар билан бирга қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПП-436-сон қарори қабул қилинди. Қарор билан қуйидаги стратегик ҳужжатлар ва тизимлар тасдиқланди:

- стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш Дастури;
- саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича Концепция;
- 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича Ҳаракатлар режаси;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энергия сиғими кўрсаткичини 2026 йилга келиб 2022 йилга нисбатан 20 фоизга камайтиришга қаратилган 2022-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашнинг Мақсадли параметрлари;
- Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби янгиланди;
- “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсиш бўйича Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи тасдиқланди.
- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш (ҳозирда Иқтисодиёт ва молия) вазирлигида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи

фаолиятини ташкил қилувчи, “Яшил” иқтисодиёт Стратегияси, Дастури ва Ҳаракатлар режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда уни Идоралараро кенгаш билан ўзаро мувофиқлаштиришга кўмаклаш ишчи органи вазифасини бажарувчи лойиҳа офиси Техник котибияти ташкил этилди.

2. Франция тараққиёт агентлиги (AFD - Agence Française de Développement) билан ҳамкорликда 2022 йилда “Яшил” иқтисодиёт бўйича давлат сиёсати соҳасида лойиҳа амалга оширилди. Мазкур дастур доирасида AFD томонидан Ўзбекистон Республикасини “яшил” иқтисодиётга ўтишига кўмаклашиш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу йўналишида иқтисодиётни декарбонизациялаш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, миллий миқёсда иссиқхона гази ташланмаларининг мониторинги, ҳисоботи ва текшируви (MRV) тизими жорий этиш, “яшил” бюджетлаштириш жорий қилиш ҳамда бошқа йўналишларда ишлар амалга ошириш бошланди.

3. Қазилма ёқилғилар субсидияларини камайтириш ҳисобига энергия ресурслари сарфини мақбуллаштириш мақсадида Франция тараққиёт агентлиги дастури доирасида Барқарор ривожланиш халқаро институти (IISD) билан биргаликда қазилма ёқилғилар субсидияларини ҳатловдан ўтказиш ҳамда уларни камайтириш бўйича ўрганишлар йўлга қўйилди.

4. Жаҳон банки билан биргаликда Париж битими 6-моддасига мувофиқ қисқартирилган иссиқхона газларининг халқаро савдоси механизмини йўлга қўйиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунда, Жаҳон банки ҳузуридаги “Углерод активлари трансформатив фонди” (Transformative Carbon Asset Facility - TCAF) молиявий кўмагида Ўзбекистон ҳукуматида углерод бозорида иштирок этишда кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилади.

TCAF - Жаҳон банкнинг траст фонди бўлиб мамлакатларнинг углерод нархини бозорга чиқариш ва хусусий секторга паст углеродли технологияларга сармоя киритишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Хусусан, Жаҳон банки вакиллари билан биргаликда энергетика ислохотлари доирасида инновацион углерод молиялаштириш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган.

5. 2022 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлар ўртасида иқтисодиёт тармоқларида иссиқхона гази эмиссиясини камайтиришга қаратилган замонавий “яшил” технологияларни жалб қилишни кўзда тутувчи Қўшма молиялаш механизми (JCM - Joint Credit Mechanis) йўлга қўйилиши бўйича келишилди ва ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Япониянинг JCM механизми ривожланаётган мамлакатлар билан иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш бўйича ҳамкорлик тизими. Япониянинг ривожланаётган мамлакатларда замонавий технологияларни қисмини молиялаштириш асосида жорий қилиш орқали иссиқхона гази эмиссиясини камайтириш бўйича ҳамкорлик қилади.

Шу билан бирга, Япония компаниялари Marubeni Corporation, Yokogawa Electric, AvantGarde Group, SDG Impact Japan ва ЕТТБ ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ходимлари учун семинар ўтказилди ҳамда республикада мавжуд бўлган лойиҳаларни Япония компаниялари учун тақдим этиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралардан таклифлар йиғиб олинди. 2023 йилда ушбу лойиҳа доирасида ҳамкорлик йўлга қўйилиши режалаштирилган.

6. Жаҳон банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда Иқтисодиётнинг декарбонизациялаш ва “яшил” ривожланиш моделига ўтиш бўйича узоқ муддатли стратегияни (LTS - Long-Term Strategy for Decarbonization) ишлаб чиқиш лойиҳаси йўлга қўйилди. Париж битимининг 4-моддасига мувофиқ, мамлакатлар 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришишга қаратилган ўзларининг узоқ муддатли стратегияларини ишлаб чиқиш белгиланган. Мазкур стратегия доирасида иқтисодиёт тармоқларида углерод нейтраллигига эришиш учун амалга ошириладиган асосий чора-тадбир ва лойиҳалар, талаб қилинадиган капитал қўйилмалар ҳажми

кўрсатилган инвестиция режаси тайёрланади.

Шунингдек, Жаҳон банки билан биргаликда 2030 йилгача иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсирлари ўрганилди ҳамда унинг асосида “Towards a Greener Economy” ҳисоботи тайёрланди ҳамда II-Халқаро иқтисодий форумда тақдимот қилинди, Жаҳон Банки ва Вазирлик расмий веб-сайтларида жойлаштирилди. Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича миллий баҳолаш (CCDR - Climate Change and Development Report) лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ушбу баҳолаш иқтисодиётга халқаро арзон “яшил” молиявий кўмакларни жалб қилишга кўмак беради.

7. Осиё тараққиёт банки экспертлари томонидан Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (Climate-Public Investment Management Assessment - C-PIMA) қўллаш юзасидан таҳлиллар якунланиб, якуний ҳисобот тақдим этилди.

2022 йил якуни билан Халқаро валюта жамғармаси (IMF) томонидан 12 мамлакатда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (C-PIMA) ишлаб чиқилиб, жорий этилган. Хусусан:

- 2021 йилда Буюк Британия, Хорватия, Непал, Коста Рика, Англия;
- 2022 йилда Аргентина, Гренада, Гаити, Чад, Конго, Руанда, Габон давлатларида.

Осиё тараққиёт банкнинг таҳлил натижалари бўйича давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (C-PIMA) қўллаш юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилган:

- иқлим ўзгариши тўғрисидаги хабардорликни ошириш;
- инвестиция сиёсати тўғрисидаги ҳисоботни ишлаб чиқиш ва инвестициялар билан боғлиқ ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- давлат инвестицияларини бошқариш жараёнлари асосий миллий ва секторларни ривожлантириш стратегиялари ва ўрта муддатли харажатлар доираси билан боғлиқлигини таъминлаш;
- давлат инвестицияларини бошқариш (PIM)ни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ва меъёрий базани бирлаштириш;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва танлаш учун бир хил тартиблар қўлланилишини таъминлайдиган ягона давлат инвестицияларини бошқариш тизимини яратиш;
- инвестиция устуворликларини аниқлашда тармоқлар режаларининг йўналтирувчи функциясини такомиллаштириш;
- лойиҳа амалга оширилгандан кейинги баҳолашни ва аудитни мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистонда иқлим ўзгариши жиҳатларидан келиб чиқиб, давлат инвестицияларини бошқариш тизимини жорий этиш;
- яшил стратегия инфратузилмасини қўллаб-қувватлайдиган маҳаллий молия институтлари, банк ва IT хизматларини қўллаб-қувватлаш;
- экологик тоза инвестицияларни ривожлантиришда хусусий секторнинг иштироки учун шароит яратиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолаш (PIMA) ҳамда унинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (C-PIMA) қўллаш юзасидан ҳаракатларни Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликда давом эттириш мақсадга мувофиқ деб топилган.

8. Осиё тараққийёт банки (ОТБ) билан ҳамкорликда давлат улуши бор корхоналарда ESG тамойилларини жорий этиш имкониятлари, юзага келаётган муаммолар, уларнинг ечими ва мазкур соҳани такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Йирик саноат корхоналарида экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини (Environmental, Social, Governance - ESG) жорий қилиниши ҳолати ўрганилди, ушбу тамойилларни татбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда улар учун семинар ва тренинглар ташкил қилинди. Хусусан, ОТБ билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа доирасида қуйидаги ишлар олиб борилди:

- барқарор инвестицияларнинг ESG тамойиллари бўйича миллий даражадаги сиёсат, стратегия ва меъёрий-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар тайёрланди;
- тармок/корхоналар томонидан барқарор инвестиция меъёрларига риоя этиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилди;
- ESG тамойилларини жорий этиш билан боғлиқ таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботлар тайёрланди.
- Шу билан бирга мазкур лойиҳа доирасида:
- Осиё тараққийёт банки техник кўмаги асосида давлат иштирокидаги корхоналарда ESG тамойилларни татбиқ этиш мақсадида малакали хорижий экспертлар жалб қилинди;
- “Moody’s” халқаро рейтинг агентлиги ва хорижий экспертлар иштирокида қатор давлат иштирокидаги корхоналарнинг 50 дан зиёд мутахассислари учун “Давлат иштирокидаги корхоналарда “ESG” тамойилларини татбиқ қилиш йўналишлари” мавзусида онлайн семинар ташкил этилди;
- хорижий эксперт томонидан давлат иштирокидаги корхоналарда “Ўзбекнефтгаз” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, “Навоий тоғ-металлургия комбинати” АЖда ESG тамойилларини татбиқ қилиш ҳолати алоҳида ўрганилди ҳамда республикадаги корхоналарда ESG тамойилларини жорий этиш йўналишида халқаро илғор тажрибадан келиб чиқиб, ҳисобот ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ОТБ билани ҳамкорликда Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг иқтисодий тармоқларига бўлган хавфини баҳолаш инструментини (Climate Risk Assessment Tool) ишлаб чиқиш бўйича техник кўмак жалб қилинди.

Миллий иқтисодийтни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча соҳаларда “яшил” иқтисодийёт технологияларини фаол жорий этиш 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққийёт стратегияси вазифалари доирасидаги мақсадлардан бири. Ушбу мақсадга эришиш бир вақтнинг ўзида “яшил” иқтисодийёт учун кадрлар тайёрлаш заруратини ҳам кўндаланг кўяди. OECD (2011), Седефоп (2009) каби халқаро ташкилотларнинг тадқиқотларида инсон ресурсларини ривожлантириш иқтисодийetni “яшиллаштириш” учун асос эканлиги таъкидланади<sup>11</sup>.

Тадқиқот давомида ПМТИ мутахассислари қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратдилар: “Яшил” иқтисодийётга ўтиш қуйидаги экологик муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради: табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жумладан, сув, хавонинг ифлосланиши, ўрмонларнинг кесилиши, ерларнинг деградиацияси ва иқлим ўзгариши. Шу билан бирга, давлатнинг экологик барқарорлик соҳасидаги сиёсати ҳам катта аҳамиятга эга; юқори даражадаги IT кўникмаларига эга бўлган аҳоли улушининг кўпайиши бошқа омилларга қараганда яшил бандликнинг кўпроқ ўсишига ёрдам беради; 2022/2023 ўқув йилида тайёрланаётган умумий кадрларнинг 30 фоиздан ортиғи “яшил” иқтисодийётга тўғри келади (таққослаш учун, 2019/2020 ўқув йилида 5 фоиз).

<sup>11</sup> <https://daryo.uz/k/2023/01/18/ozbekistonda-yashil-iqtisodiyotni-rivojlantirish-uchun-qanday-mutaxassislar-tayyorlanadi>



Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг 2019/2020 ва 2022/2023 ўқув йиллари учун кадрлар тайёрлаш (магистратура) параметрларининг мазмун-таҳлили натижалари бўйича қуйидаги хулосалар чиқарилди: Республика олий ўқув юртларида (шу жумладан, ҳудудий филиалларда) ҳозирда “яшил” иқтисодиётга ўтиш учун энг зарур мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш бошланди: биотехнолог; қайта тикланадиган энергия манбалари, муқобил (қуёш ва шамол) энергияси бўйича муҳандис; сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича муҳандис; биоиктисодиётчи, иқлим хавфини баҳолаш бўйича мутахассис.

Шунингдек, кадрлар энергия тежамкор иншоотларни лойиҳалаш, улардан фойдаланиш, қуриш бўйича ўқитилади; энергия тежамкор технологияларни, шу жумладан сунъий интеллектни лойиҳалаш, ишлатиш ва ишлаб чиқариш.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Шундай қилиб, яшил молияни ривожлантириш яшил энергияга ўтиш бўйича чора-тадбирлар тизимининг зарур элементиدير. Шу муносабат билан БМТ экспертлари ташқи таъсирларни (ташқи таъсирларни) ҳисобга олиш каби яшил молиялаштиришга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон молия тизимини ислоҳ қилишни таклиф қилади; аниқлаш тизими; ахборот базалари; аналитик салоҳият; этукликнинг мос келмаслиги. Ушбу муаммоларнинг баъзиларини миллий давлат сиёсатини шакллантириш орқали ҳал қилиш мумкин, лекин кўп ҳолларда халқаро шартномалар ва бутун жаҳон профессионал ҳамжамиятининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш талаб этилади.

Мутахассислар - геоекологлар ва иқтисодчилар биргаликда ҳал қилишлари керак бўлган вазифа яшил инвестицияларни молиялаштиришнинг анъанавий манбаларини кўпайтириш эмас, балки янги (инновацион, ноанъанавий) молиялаштириш манбаларини топишдир. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, яшил энергияни илгари суриш ва уни молиялаштириш тизимини яратишдаги тўсиқлардан бири уни паст углеродли иқтисодиёт билан идентификациялаш бўлиши мумкин. Ривожланган мамлакатларнинг яшил инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ресурслардан тежамкор паст углеродли иқтисодиётни ривожлантириш кўпинча атроф-муҳитни бошқариш миллий стратегияларининг асосини ташкил қилади, бунга ушбу соҳадаги глобал вазият ёрдам беради. Бироқ, қарорлар қабул қилишнинг нисбатан тор доирасига жалб қилинган давлат, бизнес ва бошқа томонларнинг саъй-ҳаракатларини жамлаш 3Э га ўтишнинг барча жиҳатларини қамраб олмаса ҳам, бу концепцияни амалда амалга оширишга ёрдам беради. Кам углеродли лойиҳаларнинг истиқболларини таҳлил қилиш уларнинг яшил энергия ва умуман атроф-муҳитни оқилона бошқариш тамойилларига тўлиқ мос келишини кўрсатади: эҳтимол, бундай лойиҳаларнинг энг муҳим натижаси, шунингдек, иқтисодий ва геоекологик натижаларга эришишдир. ижтимоий соҳа: иш ўринлари сонининг кўпайиши, моддий фаровонликнинг ошиши ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш, бир вақтнинг ўзида геоекологик вазиятни яхшилаш.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури (UNDP-United Nations Development Programme) ўртасида Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш, барқарор ривожланиш мақсадлари, молия соҳасида “яшил” иқтисодиёт, “яшил” облигация каби лойиҳалар юзасида ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан келишилди. Мазкур келишув доирасида 2023 йил давомида Ўзбекистон ҳукумати БМТТД билан барқарор ривожланишни иқтисодиёт соҳаларга татбиқ қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадларини республикада кенг жорий қилиш, Ўзбекистонда “яшил” облигацияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, молия соҳасида “яшил” иқтисодиётни ўрнини ошириш ҳамда “яшил” лойиҳаларни молиялаштиришга кўпроқ эътибор қаратиш бўйича ҳамкорлик қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Метан эмиссиясини камайтириш бўйича глобал мажбурият ташаббуси юзасида метан эмиссияларини камайтириш чора-тадбирларини янада қўллаб қувватлаш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни янада ривожлантирмоқда. Маълумот учун Ўзбекистон 2022 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Камбағалликни қисқартириш мавзусидаги Халқаро форум доирасида қўшилган. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Метан эмиссиясини камайтириш миллий дастурини ишлаб чиқиш” лойиҳасини жадаллаштириш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигида Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан семинар ўтказилди. Учрашувда 2023 йилда “Метан эмиссиясини камайтириш миллий дастури”ни ҳамкорликда ишлаб чиқишга келишиб олиш таклифи крителиди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4937-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли “2030 йилгача ўзбекистон республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори
5. Alimov, B. (2019). Improving the methods for complex retro-forecast analysis and complex forecasting methods based on lagrange interpolation formula of the accounting balance at insurance companies. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(7), 70-100.
6. The green economy: trade and sustainable development implication - Режим доступа: [http://unctad.org/en/docs/ditcted20102\\_en.pdf](http://unctad.org/en/docs/ditcted20102_en.pdf).
7. ICC comments on the UNEP draft Green Economy Report - Режим доступа: <https://cdn.iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2011/05/ICC-comments-on-the-UNEP-draft-Green-Economy-Report.pdf>.
8. Алимов, Б. Б. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ. *Miasto Przyszłości*, 37, 175-184.
9. Чурилов А. А. Понятие, роль и актуальность проектного управления в России // Молодой ученый. - 2013. - №3. - С. 299-301.
10. Сайт Коалиции за Зеленую Экономику [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.greeneconomycoalition.org/>.
11. Шохмансур, Ш., & Алимов, Б. (2019). Суғурта компаниялари инвесторлари манфаати позициясидан бухгалтерия балансини комплекс ретропрогноз таҳлил қилиш методи. *Экономика и инновационные технологии*, (4), 172-189.
12. <https://www.uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/9449/>
13. <https://president.uz/uz/lists/view/5749>
14. <https://daryo.uz/k/2023/01/18/ozbekistonda-yashil-iqtisodiyotni-rivojlantirish-uchun-qanday-mutaxassislar-tayyorlanadi>